

Улуф адибнинг хотираси ўзи туғилиб ўсган қишлоқда яна бир бор улуғланди

Моҳир мунаққид, адабиётшунос олим, устоз адиб, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов таваллудига бугун 92 йил тўлди.

Сана муносабати билан серқирра ижодкор туғилиб ўсган маскан, Ўзбекистон тумани Охунқайнар қишлоғидаги 56-умумий ўрта таълим мактабида унинг таваллудига бағишланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.



Ҳам ижод майдонида, ҳам ҳаётда ўрнатилган бўлган ўчмас из қолдирган устознинг хотира кечасида адабиёт мухлислари, адибнинг яқин қариндошлари, туман ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, устоз-мураббийлар, маънавият тарғиботчилари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.



Тадбирда атоқли адабиётшунос олим ва жамоат арбобининг сермахсул ижод йўли ва қолдирган маънавий мероси ҳақида сўз юритилди. Бетакрор истеъдоди, Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни юксак пардаларда тараннум этган етук бадиий асарлари, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан миллий адабиётимиз ҳамда маданиятимиз ривожига, халқимиз маънавиятини юксалтиришга улкан ҳисса қўшган ҳар иккала ижодкор асарлари бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмагани таъкидланди.



Озод Шарофиддиновнинг жиянлари ва чевараси билан қизғин суҳбатлар, савол-жавобларда фидойи олимнинг хотираси яна бир бор улуғланди.

Ёшлар вакиллари томонидан олимнинг ҳаёти ва ижоди, илмий мерослари ва таржима асарлари тўғрисида маълумотлар берилиб, мақом йўналишида куй-қўшиқлар ижро этилди, шеърхонлик кечаси ташкил этилди.

2021-03-01 23:51:15